



# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

1956 йил 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

29 сентябр, № 39 (3326)

## ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ХИРМОНИ

КУЗ биз билан ҳисоб-китоб қилаётган бўлди. Йил бошида айтилган ҳар бир сўзмизнинг юки бутун тарозга қуйилди. Дарвоқе, бу йилнинг қадами кутлуг келди. Айниқса, деҳқоннинг пешонаси ярқиради. Гаг-ламиз барақали, мул бўлди. Мева-чева, сабзавот ва полдиз экинлари ҳақида қанча мақтансақ оз. Пахтамиз-чи, дейсизми?

Олис кишлоқларнинг ҳайратли ва ҳайбатли соғинчларини ютиб, ҳайратсиз шаҳар ташвишларидан хорисакда, кунлар сал совуса юрагимизга хавотир тушади. Тилагимиз шу: илоҳ, ҳеч нарсга ёғмасин. Пахта қолиб кетмасин...

Пахтадан оилаларни айтмайсизми. Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Асакада ҳар кун байрам бўлаётти...

Пахтадан оилаларни айтмайсизми. Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Асакада ҳар кун байрам бўлаётти...

Ларидаги қабариклар унинг бу йилги хирмон учун нечоғлик катта меҳнат сарфлаганини курсатиб турибди. Унга ортқича мулозимат ҳам керак эмас. Фақат ишлаганига яшаш тилласа, қозони қайнаса, этни бут бўлса шуниси етарли. Мен бу гапларни бежиз айтмайман. Чунки айрим жойларда, яшириб нима қиламиз, ҳақиям деҳқон меҳнатининг қадрига етимаётган воқеалар учираб турибди. Уз вақтида иш ҳақини бермаслик, олдиётганина шарт-шароитлар ҳам яратилмаган ҳоллар йўқ дейсизми? Майли, булар уткинчи.

Саҳий кузакнинг уяётган ҳар бир кун ҳисобли. Ҳар бир лаҳзаси ганимат. Вақтнинг шафқатсизлиги ҳам шула, у кутиб турмайди. Бизнинг ўзбек деҳқони эса... Осмонга қараб ишламайди. Қачон, қанча хирмон кутариш унга аён. Қолаверса, узи учун қардон даласи қанчалар саховатли ва қимматли бўлса, она юрти Ўзбекистонга ҳам унинг учун шунчалар кўпроқ қайғуришини, меҳр қургузганини билди.

... Куз бутун биз билан ҳисоб-китоб қилаётган. Бу ҳисоб-китоб энгил эмас. Оғир ва шарафли. Уялтайётган хирмон эса кун сайин, лаҳза сайин юксалиб бораётган. Бутун у икки миллиондан ошди. Эртага уч, илгинга...


Бу хирмон «Ўзбекистон — менинг Ватаним» дея гуруланиб айтмоққа қолди булган ҳар бир инсоннинг шарафи, обрўйи, юзи. Чунки ана шу мисқоллар қаттида халқимизнинг дунёга ёймоққа шайланаётган шонлари яширин.

Бу хирмоннинг таърифини ўзбекнинг машҳур шоири Абдулла Орифдан утказиб айтмоқ мушкул.

Бизнинг уйған хирмонга Чамбар қилсанг чечакдан, Юлдузлар шабнам мисол Буларди унга ижму.

Тилагимиз: Ўзбекининг юксалётган ўз хирмони барақали бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси муқофотининг совридор



борган? Балки қимдир киноя қилар ҳам: э, саксонинчи йилларчи, бир мавсумда 5-6 миллионлаб дерадлик-ку ахир, деб. Йўқ, биролар, уша маҳаллар ХИРМОН қимничи эди? Буғунчи? Бу УЗМИЗНИНГ ХИРМОНИМИЗ!

Ҳаммамиз урганиб қолганмиз. Шом тушади. Шаҳарми, кишлоқми, фарқи йўқ. Қайси хонадонда бўлмасин, радио борми, ойна жажоми еки кундалик газета келайми сураймиз: Пахтамиз неча фоз бўлибди? Бўям бир масъуллик, юртнинг ташвиши.

Биз ижолкорлар-чи? Олис-ган кун Фарғонадан — Дангара туманидан хабар келди. Очил Худойбердиев номидаги ҳужалиқдан Интиғили Эсонов фаҳрга тулиб-тулиб ўз бригадаси бир терим билан режан бажарганини ёзибди. Мамадакт пахтакорлари орасида қардонбошилик қилаётган Андижондан эса ҳар кун дилларини равшан қилаётган хушхабарлар келаётган.



Сеймур ЕСЕФИДИН

Шоир бўлмоқ — бу-ку тайин ган — Уз жонини уртамоқ фақат. Ханжар уриб позик танинган, Узгаларга баҳи этмоқ лаззат.

Шоир бўлиш — борлиқни куйлаш, Сенга кўпроқ бўлсин деб ошкор. Булбул кўнгли бўларми ҳеч гаш, Қилар экан бир куйни макрор?!?

Узгаларнинг овози билан Тўтиқуш ҳам бийрондир, аммо Куйла фақат ўз созинг билан Қурбақадек бўлса ҳам хатто.

Қурбонда ман этмиш Муҳаммад Лаб урма деб хатто шаробга Шоир ичар шунинг-чун ҳам май, Ташлар экан ўзи азобга.

Шоир келиб ёри олдиға Эт куйида курсэ уни гар, Ут солса ҳам нафрат қалбига, Қиз кўксига урмайди ханжар, —

Рашкада ёниб, кўнглида тугён, Муғли куйлаб ташлайди қадам: «Майли, ўлай хору саргардон, Тақдиримда бор экан бу ҳам».

Эркин ВОҲИДОВ таржимаси

7-бет

## «АМИР ТЕМУР»

Амир Темурдай жаҳонгирларни берган халқлар бутун инсоният тарихида бармоқ билан санари даражада оз. Шу боис биз — ўзбеклар буюқ соҳибқирон бобомиз билан чексиз фахрийлик қилишга ҳақлиқимиз. Бирок ҳар қандай эзгу-туйғу онга, ақл-идрок ва билимга таянгандагина ҳаққоний ва оқилона бўлади. Биз ватандошимиз, буюқ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ҳаёти ва оламшумул фаолиятини яхши биламиз, деб айта оламизми? Ҳарқалай, бундай эътироф ҳали бироз эрта. Мустақиллик берган имконият туғайлигина биз улур бобомизни чиндан таний бошладик. Бу хайрли маърифий ишла республикамиз тарихчи олимларининг амалга оширган ишлари тахсинга сазовор.

Таниқли олим ва адиб Бурйбой Аҳмедов халқимиз орасида ўзининг «Ўзбек улуси», «Урта Осиё халқлари тарихи манбалари», «Мирзо Улуғбек», «Тарихдан сабоқлар» сингари унлаб китоблари, йирик талқиқотлари билан кенг танилган. Яқинда узоқ йиллик илганишлардан сунг Амир Темурга бағишланган йирик асарини эзиб битирди.

«Амир Темур» номи бу тарихий роман шу кунларда Тошкентдаги Абдулла Қодирй номидаги халқ мероси наشريетида йигирма беш минг нусхада чоп этилди. Ҳазрат соҳибқирон ҳақида унинг тириклик чоғларида китоблар ёзилга бошлаган эди. Бутунги қунгача Амир Темур ҳақида Шарқу Фарбда яратилган илмий ва бадиий асарлар, унинг юришларига берилган турли хил баҳолар, шубҳасиз, муаллиф мисолига улкан масъулият юкланган. Боз устига улбу тарихий роман бизда Амир Темур ҳаётидан хикоя қилувчи дастлабки асарлардан.



Китобни ўқиб жараёнида муаллиф буюқ жаҳонгирнинг Ватани, халқи ва тарих олдига қилган хизматларини ишонангиз, таъсирчан бриттанга тувоҳ бўламиз. Б. Аҳмедов тарихда утган буюқ инсонларнинг ҳаёт йули нақадар мураккаб ва зиддиятли экани ҳақида фикр юритиб, роман муқаддимада шундай эзлади: «Тарихда утган йирик шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо берганда уларнинг ҳар бир ишини ақл тарозисига солиб қарамок, уша давр ва за-

риетдан ва муаллифнинг Муқаддима сузи берилган. Асар охирида сунгуз урнида берилган «Абадиятга дахлдор» мақоласида ёзувчи буюқ соҳибқирон кузайтига доир илмий кузайтишлари, шахсий мулоҳазаларини баён этганки, бу китобнинг йирик асардан олган таассуротини мустаҳкамлайди. Амир Темур фаолияти ҳақидаги тасавурини кенгайтиради, деб уялаймиз.

Тагин китоб якунида «Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти солномаси» ҳамда «Изоҳлар»нинг берилгани, уларнинг бағавиллиги напрининг қимматини опирган.

Бурйбой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи улур бобомиз, тенгсиз жаҳонгир ва давлат арбоби Амир Темур туғилган кунининг 660 йиллигига муносиб тухфадир.

Биз атоқли олимимизни бу йирик асари билан табриқлаб, таваллуд топганининг 70 йиллиги билан ҳам кутлаймиз.

4-бет

## СИНОВ ТОШИДАН КЕЙИНГИ КЎВОНЧ

6-бет



## ИСТЕЪДОД БАЙРАМИ

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги бутунги ишларига муносибатга боғлиқ. Бу борада бизнинг республикамизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса истеъдодли ишларга таълим курсининг ахирини йўлга қўйилган. Республикамизда истеъдодли болалар учун бир неча махсус мактаблар, лицейлар ошган.

Шанба кунини Хўнбек номидаги истеъдод бонига ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, юзлаб истеъдодли ўқувчилар йиғилди. Бу ерда биринчи марта «Истеъдод байрами» бўлиб ўтди. Байрамнинг титанили қисмини Ўзбекистон ижодкор ишлари истеъдод жамғармаси раиси, ёзувчи Худойберди Тухтабоев ошди. Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Иўдошев байрам қатнашчиларини табриқлар экан, бир неча ўқувчилар ва истеъдодли ўқувчиларга вазириликнинг қимматбахо совғаларини тақдим этди. Шундан сунг «Истеъдод» ва «Маҳалла» жамғармаларининг совғалари ҳам топшириди. Уша кун келгача богда шахримиздаги санъат мактаблари ва лицейлари ўқувчилари ижросида куй ва қўшиқлар янради. Еш рассомларнинг, техника ҳавасмандларининг ишлари жамланган кургызмалар ҳам байрам қатнашчиларига катта таассурот уйғотди.

Савл қатнашчилари бундан бунен ҳар йили 24 сентябрда Истеъдодлар байрами утказишга келишиб олдилар.

## БИЗНИНГ ШАРХ

ди. Куня кеча Вашингтонда бу музокараларнинг иккинчи босқичи ҳам имзоланди. Бу ҳужжатга қура Исроил қўшиқлари Фаластин муқториятига қаршилик бўлган еттига шаҳардан чиқиб кетади. Шунингдек, Исроил қамқончаларида сақланаётган 6 миңдан кўпроқ фаластинлик озоликка чиқарилди.

Кўришиб турибдики, дуненинг оловли нуқталари — Босния, Чеченистон, Кавказ, Афғонистон ва бошқа жойлардаги барча можароларни ҳам тинч йул билан ҳал этиш мумкин. Бунинг учун ҳадеб оғалики даъво қилавермай, дунедати барча миллатни, у қичик еки катталигиндан қатъи назар, тенглигини; бу миллатларнинг ҳам уз давлатини тузиш муқаддиға эга эканлигини ҳарқиларча тан олшининг узи кифоя.

Беккул ЭҒАМҚУЛОВ

## ДИЛ КАМИГИ

гапириб турса, эриб кетганини билмай қолиса. Тил туғрисидаги қону қабул қилинганга ҳам бир неча йил бўлди. Ушбу қонуннинг юқоридаги натижасини куриб, олди деҳқон фахрианса-ю, узини зиелни санаб юрган, эл-юртнинг кўз олдида, йиғинларда, ойнажохон еки ҳаво мавжлари орқали нуқтар ирод қилаётган баъзи хурматли кишилар русча таърифини маданийлик белгиси, деб билинса, бу қандай гап? Шундайларнинг таъсири бўлса керак, бапанг кийинган, киборларга хос гердалий юрадиган, бир-бири билан учрашганда упишиб қуришадиган ўзбек йиғитлари, нозиккина, уга замонавий, энг қимматбахо уна-эликлар билан буюнган ўзбек қизлари даврда, бирор уза миллил вақили бўлмаса ҳам, рус тилида тилларини бураб гаплашаётганларини тез-тез учрагасиз. Ҳатто баъзилари русчада тузуқ-қуруқ гаплашмоқда ҳам, лекин қурдордан қолтириб келмай, қурама тилда чуқрирашади.



Бизда ҳали ҳам иш ҳужжатларини рус тилида олиб бораётган ташкилотлар, корхоналар талайгина. Нарй бурса, ҳужжатлар рус тилида тайёрланиб, сунг ўзбек тилига тар-

ган ўзбек йиғитлари, нозиккина, уга замонавий, энг қимматбахо уна-эликлар билан буюнган ўзбек қизлари даврда, бирор уза миллил вақили бўлмаса ҳам, рус тилида тилларини бураб гаплашаётганларини тез-тез учрагасиз. Ҳатто баъзилари русчада тузуқ-қуруқ гаплашмоқда ҳам, лекин қурдордан қолтириб келмай, қурама тилда чуқрирашади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида «ўзбек тилини урганиш курслари» фаол иш олиб борарди, ҳозир эса инглиз тилини ўқитиш удум бўлди. Албатта, тил урганиш, жаҳонга чиқиб орузси таҳсинга лойиқ, лекин Ўзбекистон мустақил давлат экан, фуқаролар энг аввало ўзбек тилини билишлари лозим, деб уялаймиз. Бу масалага зиеллилар алоҳида эътибор билан қарашлари, масъулиятни чуқурроқ ҳис қилишлари керакка ухшайди.

Б. ГАЙБИШОВ

## УРУШ ВА ТИНЧЛИК

да, сунги уч-турт йилда собиқ Югославия ҳудудини салкам ярим миллион киши ташладлар. Давлат Думаси раиси Иван Рибкиннинг гашига қараганда, мусулмонларнинг Фарбий Боснияга ҳужуми ҳам жамайят томонидан халқаро босқинчилик деб баҳолангани керак эмас. Куришилдан Дурия раҳибри серблар утказган этник тозалашлардан беҳабар курилади. Сарнава ва унинг атрофидан миңлаб мусулмонлар куйиб ташланган ҳандақлар топилиганини билмайди чоғи, у жаноб, Шурулар даврида собиқ Югославиядаги серблар худди СССРдаги русларга ухшаб ога халқ бўлиб урганиб қолишган. Агар Шимолий Атланта блоқи қўшиқлар билан мусулмонларни бутунлай кириб ташланган ҳам тоймасдилар.

Умуман, ШАБга кейинги пайтда Европадаги қушгина давлатлар нажоткор сифатида қарамқоллар. Шунинг учун ҳам блоқни кенгайтириш ҳақида Брюсселда қабул қилинган ҳужжатни Шарқий Европа мамлакатлари қувонч билан қутиб олишди. Улар бу блокка аъзо бўлишни рус босқинидан қутулишнинг ягона йули демоқдалар. Россия ҳу-

кумати бу ҳужжатга нисбатан расмий равишда бирон-бир баёнот эълон қилмаган бўлсада, уларнинг мақсадлари барнага аён. Руслар Шимолий Атланта блоккининг уз чегараларига яқин келиб қолиши ва дунедати қулар нисбатининг бузилишига қарши. Шунинг учун Россия ташқи ишлар вазири Андрей Коэрев ва АҚШ Президентини Бил Клинтоннинг куня кеча бўлиб утган учрашувида шу масала ҳам муҳокама қилинди.

Жаҳон оммавий ахборот воиситаларининг диққат марказида турган яна бир воқеа сешанба куня Италияда бошланган суд жараёнидир. Устидан бошланган бу суд жараёнини ҳуқуқшунослар «аср процесси» деб аташмоқда. Хозирда 80 епини қоралаб қолган Андреотти етти марта Италия ҳукуматини бошқарган. Узоқ йиллар турли вазириликларга раҳбарлик қилган. У мафия билан тил бириктиришда айбланмоқда. 400 гувоҳ унга қарши курсатма бермоқчи. Суд бошлангани арафасида собиқ бош вазири Италия маассонларининг «соъси деган гаплар ҳам тарқалди.

Аммо Андреотти ўзини ҳимоя қилишга тайёр. «Мафиоз-

ларга ишонган терговчилар менга ишонимаяпти. Бундан ташқари жиноятчиликка қарши кураш туғрисидаги асосий қонулар бевосита менинг раҳбарлигимда қабул қилинган», деди у журналистларга.

Беккул ЭҒАМҚУЛОВ

7-бет









1 октябр — Халқаро мусиқа куни

### «БИТТА ЧАЛИБ БЕРГИН «ЧЎЛИ ИРОҚ»НИ...»

Этибор қилинг: табиатдаги жамики тирикликнинг уз оҳанги, уз мароми мавжуд. Сувлар шилдирайди, юлдузлар жимирлайди, япроқлар шитирлайди, осмон гулдирайди, денгиз мавжланади. Хуллас, бутун вужудингиз билан кулоқ тутсангиз, ҳамма нарса уз тилда ниманидир киргойи қилаётгандек туюлади. Ана шундай дилгар лаҳзаларда беҳиштер «дуне куйдир, дуне қушиқдир», денгизингиз келди.

Бир воқеани ҳеч унутолмайман... Болалиқда бироз ботоблиб, шифоконда етишимга тўғри келди. Ушанда мени даволаётган врач: «Қизим, сен купроқ мусиқа эшитгин. Узинг чалишини урганлиб олсанг ундан ҳам яхши. Шунда бошинг ҳам оғримайди», деб маслаҳат берганиди. Шу гап баҳона бўлди, бола кунлигимда мусиқа тинглашга иштиқ қунайиб, инсон куй-наволардан жуда катта қуч ва дадда олдишим, уларнинг таъсирида юлдузидоғи оғриқлар ҳам чекинишни мумкинчилигини англагандек бўлдим. Шундай қилиб, соз чалишни урганолмасам-да, мусиқа тинглаш сирларини урганлишта ҳаракат қилиб келаман.

Аста-секин «Шошмақом», «Чули Ироқ», «Гира», «Муножот», «Ушпоқ» ва бошқа мақом йулдидаги халқ оҳангларининг сеҳрини ҳис қила бошладим. Уларга ошно бўлганда бевозта диллар таскин топиши ёхуд мудрған ҳислар жунбушга келиб, лоқайди кунгиллар бевозталаниши мумкинлигига иқроқ бўлдим.

1 октябр — халқаро мусиқа куни. Бутун жаҳон халқлари ЮНЕСКО халқаро мусиқа кенгашлининг қарори билан нишонланадиган бу қўлғу кунни байрам қилади.

Мусиқа байрами. Бу кунда энг нобел наволар янграйди, энг сара қушиқлар куйланади. Улардан баҳра олиш учун суз ҳам, изох ҳам керакмас. Мусиқа ҳаммага бирдек тўшунарли тилдирки, ҳали гаширларни, юришни эпполайдиган гулдак ҳам кувнокроқ куй эшитилса, қўлчаларини чиройли ҳаракатлаштириб, беҳиштер уйнаб юборади. Мусиқа кун

гилини ҳеч қандай уқ-ёйсиз, бе-нишон мулжалга олади. У си-нинг дилингнизи ярамайди, аксинча, гафлатдан уйғотиши, ухлатиши, йилғатиши, уйлатиши мумкин. Қалбингиздаги му-ҳаббат куртақлари ҳам асл на-волардан ранг олиб гулдайди.

Оламзот куп нарасдан чар-чайли, безор булади. Лекин чи-ройли куй ва қушиқлар ҳеч қачон жонга тегмайди. Ҳаётда ҳамма нарсанинг йўқолиши, унутилиши эҳтимоли бор. Асл наволарни эса халқ кунгилдан, хотирасидан мулғоқ учуриб бўлмайди. Аксинча, вақт утган сари уларнинг тафти ҳам, қад-ри ҳам ортаверади, куйлағучи овозлар, тинглағувчи мух-лислар кутаяверади.

Бир уйланти, «Чули Ироқ»нинг қачон яратилганини аниқлаб бўлармикан! Кар-най-сурнай, ноғора усулларини тарихини сурштиришнинг уз кунлиди. Дугор ва таг-бор тароналари, най ёки гиж-жақ наволарининг қай йўсин-да яратилгани, ёхуд аллани илк бор қайси бир баҳтиер она их-тиро қилганини аниқлашни ким улдаларкин? Улар бизни-нг ҳеч қим тортиб ололмайдиган, энг абжир босқинчилар ҳам угирлаб келолмаган муқад-дас меросимиз, бебаҳо бойли-гимиздир. Уларни асрашга, тинглашга бўлган ташналик жонимизга, қонимизга она су-дани билан кирган азалий ёдгор-ликдир. Дор тағига ҳам ноғо-ра салолари остида марғур бо-ролган, азадига йнглаб куйла-ғучи халқни олқишламаслик мумкинми!

Баъзан айрим томоша-бинларни томоша залларида узни тута билмасликда, мада-ниятсизликка айблайдилар. Бу гапнинг беқорчи эканлигига «Халқлар дустлиги» саройида утган Юлдуз Усмонованинг концертида узим гувоҳ бўлдим. Чинакам санъаткор ва санъат асари ҳар қандай шароитда уз қадрини топаркан. Маъмур-жон Узоқов, Муҳаммаджон Каримов, Берта Давидова, Бо-тир Зокиров, Шерали Жўраев, Муножот Йулчевна, Юлдуз Усмонованинг қушиқлари ўра-гимга (биринча менга эмас) қу-ринмас нурлар орқали оқиб

Бу ишқ сирини баён этсам, тақди ул хонумон ўртар,

деб бошлағувчи ашулаларини энг лоқайди киши ҳам беписанд тинглай олмасе керак.

Айтишларича: Мулла-туйчи ҳофиз улм тушагида етганида: «Мени қабрга «Қора кузум»ни айтиб куйинглар», деб васият қилганмиш.

Юртдошлари устанинг илт-тимосини адо этибдилар. Санъат ҳофиз ҳаётида энг нурли манзил, энг сунгги ва муқаддас йул бўлган. Назаримда, қушиқчи қуйлаётганда кимлигини унутиб қуймаслиги керак. Баъзан аёл номидан ерга нисбатан «Шириним, асалим» деб айтлаётган қушиқлар қул-огимга чалинса, овоз қанчалик ширали бўлишига қарамай, қарахт бўлиб қоламан.

Шарқ гузалларининг уз ери-га шу йўсинда мурожаат қил-лишларига сира ақлим бо-вар қилмайди.

Олатда «шириним», «аса-лим» сузларини оналар ал-лаларига қушиб фарзандлар-ни эркалатиш, овутиш учун қулаганлар.

Халқимиз санъатни се-вишни, қадрлашни билди. Шундай экан, биз энди Уз-бекистонимизда халқаро му-сика анжуманлари утишини, қулғу тулпроғимизга жаҳон-даги энг етук санъат устала-ри ташир биоринишни кут-тишга мулғоқ ҳақлимиз.

Қанийди, қўшдан нур ейилгани каби барча кунгил-лардан куй етисла! Бевозта кунгиллар таскин топса, бе-писанд кишилар қалбига ҳа-жондан юкса. Ҳамма қуйлашни, тинглашни урган-са! Дуне куйга, қушиққа тул-са! Халқаро мусиқа кунла-ри чинакам халқ байрамла-ри сингари нишонланса! Зе-ро мусиқа ҳаётни тулғарга, энг гузал рангларга йутириб қурсата олганлиги учун ҳам кишини узидан бездир-майди.

Энг хушнуд дамларда, энг ҳаяжонли кунларда севишли шоирамиз Саида Зуннуова айтганлари— «Битта чалиб бергин «Чули Ироқ»ни», дея олшса саодат барча юрт-дошларимизга насиб этсин!

Замира ЭТАМБЕРДИЕВА

Икки оғиз дил сўзи

## БОҚИЙ БЕЗАКЛАР

ТАНИҚЛИ САҲНА РАССОМИ ГЕОРГИЙ БРИМ 60 ЁШГА ТҮЛДИ

Ҳар қандай яхши спектакл-ни саҳна безакларисиз, рассом-нинг хаёлий оламисиз тасаввур этиб еки томоша қилиб бўл-майди. Саҳна безаклари спек-таклнинг ҳам қони, ҳам жони ҳисобланади. Бир суз билан айтганда, асарга ҳаётгиллик ба-ғишлайди. Лекин бу яратуғчи-лик биринчи гада рассомни-нг маҳорати ва истеъдодига бо-ғлиқ. Бироқ, ҳамма рассомлар ҳам саҳнага ҳаёт бағишлайвер-маслигини мутахассислар ҳам, томошабинлар ҳам яхши били-шади.

Узбекистонда хизмат кур-саган санъат арбоби, таниқли театр рассоми Георгий Брим алақачон уз истеъдодини ер-қин ва турфа буёқлари билан намоён этиб, бетакрор саҳна мактаби яратган санъаткор. Унинг унлаб спектакллари иш-лаган саҳна безаклари алақач-он театрларнинг шухратини таъминлаб, мухлисларнинг маънавий мулкига айланган. У яратган эскизлар, андозалар, декорациялар жумҳуриятдан таққари қатор нуфузли халқаро курғазмаларда номойиш эти-либ, муносиб тақдирланган.

Негадир театршўнослар, те-атр таниқчилари янги спекта-клар ҳақида гапирганда е э-ганда кутроқ режиссура, актер-лар иқросига кенг тухталиб, саҳна безаклари ҳақида кам га-пириб, кам етшпади. Бу саҳна безакларини яхши тушунам-лиқ еки эътиборсизликнинг оқибати бўдсе керак. Шу боис ҳали Георгий Бримга ухшаган етук санъаткорлар иқоли те-атршўнослар томонидан чукур урганлиди, етарлиқ тақди қил-линмади. Ваҳоланки, унинг иқолини, саҳнавий мўъжизала-рини ҳар қанча урганлиб, кенг таълиқ қилса арзийли. Чунки у яратган саҳна асарларининг асарияти алақачон боқий бе-зақларга айланган.

Узбек театри оламида Георгий Брим таниқли режиссер Ба-хоидир Йўлдошевнинг маънавий қаноети деган гап юради. Дар-ҳақиқат, шундай. Бу икки ул-кан санъаткор узбек миллий те-атр таркиқига узига хос ибрат, урганлиш ва ҳайрат са-ҳафаларини яратди. Бахоидир Йўлдошев саҳналаштирган деярли барча спектаклларининг саҳна безакларини Георгий Брим ишлаган. Улар ҳар бир спектаклда бир-бирларини ақ-лан, қалган тулдириб борали. Рассом режиссернинг ниятини унинг заққой ҳаракатларидан, иқод вақфи энг бир турган куз-арида, бир қарапдаёқ ан-ғлайди. Англашда еса гап кут-

маса, яхши асар дунёга келмайди. Бримни ҳаммаша қизгин иш, из-ланиш жараёнида учратасиз. У ҳеч маҳал лойни қайта-қайта теши-дан чарчамайди. Булажак саҳна безаклари аввало унинг доимо пиришар туралидан бевозта к-

Лекин асар воқеаларга сингир-борган сайн саҳнада тасвир-ланган қора камар ичиде юр-гандек бўласиз. «Искандар»да еса булажак манзара. Спектакл бошланг пардалар очилиши билан саҳнада улкан ва ба-ҳайбат қаср намоён булади. Бу гуё инсоният ақд тафаккури билан бунёд бўлган муҳташам шаҳарнинг катта бир қисмининг еслатиб туради. Искандар дав-ри, Искандар тақдир ва фо-жеасини чукур талкин этиш-па, асарини томошабинлар қал-бига теран етказишда режис-сер билан бирга рассомнинг ҳам беқисс хизматлари бор.

Г.Брим мамлакат миқёсида утказилаётган йриқ тафаккур-да ҳам фаол ва изчил қатна-шиш келди. Айниқса, Мирзо Улутбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Са-марқандда бўлган йриқ тан-танани Бахоидир Йўлдошев би-лан Г.Брим Ретистон саҳнаси-га олиб чиқдилар. Бу улкан то-моша маданий ҳаётимизда чи-накам воқеа бўлди. Ишонимиз-ки, ҳали бундай бетакрор во-қеалар икки санъаткор ишти-рокида қайта-қайта санъат ола-мида содир бўлаверали.

Энди Г.Бримнинг камусуқ-му-лиги, камтарини ва самийий ин-сонлиги уз бир олам. У кур-ринишдан ута хоқисор, ниҳоят-да меҳнатқаш инсонни еслата-ди. Аспиди ҳам шундай. Узбек-ларнинг «камтарга қамол» де-ган мақоли айнан у учун яра-тильдек. Агар камтарлик ҳа-қида спектакл сахналаштирил-ганда эди, унинг энг нобел, энг гузал ва бетакрор безакларини албатта Георгий Брим ишлаган бўларди.

«Театр рассоми сеҳрғар бу-лади. Биласиз, сеҳрғар ишчи жула тез битиради — сирли тақвасини силқитса, бас, ис-талган нарсга муқаддас. Унинг ку-ли ҳам оппоқ, нозик ва нафис бўлади. Бироқ, Бримнинг бу-гуна — бақувват, дағал, қава-рган, аммо ишончли кул. Хиё-наткор эмас, салоқатли, бор э-туллиги ва инсонийлиги, дарди ва меҳри қат-қатига ҳо бўлган олтиннинг қули», — деб елади театршўнос Қамариддин Орти-қов. Иштиркичи, бу заҳма-қаш, салоқатли қуллар ҳеч қач-он соғолмасун. Узоқузоқ йиллар вазолатида яшаб, са-ҳналарда томошабинларнинг юксак олқишига сазовар бў-лган ҳақиқий мўъжизалар яра-таверсин. Шундай бўлишга ишонамиз.

Ашурли ЖЎРАЕВ



### НАҚШБАНД КУНЛАРИ

Ҳар йилли сентябр ой-нинг охиригиз ҳафтасида Бу-хорода Нақшбанд кунла-рини утказиш яхши анъанатга ай-ланиб бораётти. Респу-блика «Маънавият ва маъри-фат» жамоатчилиги маркази Бухоро вилоят бўлими, Бу-хоро давлат университетининг «Нақшбандия» илмий маркази ҳамкорликда «На-қшбандия таълимоти ва унинг жажоншумул аҳамия-ти» мавзусида илмий-наза-

уз мулоҳазалари билан ур-тоқлашди.

Конференциядан сунг Ба-хоидир Нақшбанд зиярат-гоҳида янги ташкил етл-ган «Нақшбандия» илмий маркази тантанали очилди. Марказнинг очилиш маро-симиде Бухоро вилоят хо-кими М. Раҳмонов қатнаш-ди. Ило, Нақшбандия кун-лари юртимизга тириклик, осейишмақ, меҳр-оқибат ва фаровонлик нурларини олиб келсин.

# СИНОВ ТОШИДАН КЕЙИНГИ ҚУВОНДИ

Бизнинг отахон театр саҳнасида кимлар иқод қилмаган. Ҳеч ким дунёга етун бўлмагани сингари, улар ҳам бирин-кетин ҳаёт-дан куз юмшиди. Аммо уларнинг иши довом етаверди. Ешлар орасида уларнинг урнини боса оладиган аждоиб талантлар етिला бошпади. Нова ҳам етилган сари меза тушиб шира тортиб, ҳосил бергани каби иқодкор ҳам чиниққан сари истеъдодининг янги қирраларини очилаверали. Эркин Қомиллов, Теша Мухомин, Едгор Саъдиев, Ҳожинак Нурматов, Муҳаммаджон Абдуқуловлар кабил-лар алақачон узларининг аждоиб образлари билан эл ичиде маш-ҳур бўлиб кетдилар. Бир замонар аёллар ролининг моҳир устаси деб Соҳроним Эпонтурасевлар билан эдик. Бутун у кишининг урнини боса оладиган Сайёра Юнусова, Зухра Ашурова, Малика Иброҳимова, Мадина Мухторова, Шоҳиде Исмомилова каби актрис-саларимиз бор. Еш, талантли актрисалардан Беҳзод Муҳаммаджон-ов, Қаҳрамон Абдураҳимов, Маҳмуд Исмомилов, Фотиҳ Жали-лов, Тоқир Саидов каби ешлар уз изланишларини билан кенг томо-шабинлар қалбидан урин олоқларди. Мен худди ана шундайлар-нинг бири — Гайбулла Ҳожиев ҳақида уз билганларимни сузла-шни мақсад қиламан.

Театр жамоаси «Афандининг беш хотини» асарини саҳналаш-тиришдан бўлидо, бош ролик ким иқро етса экан, деб уйланиб қолди. Албатта, бу рол комик актриса Гани Аъзамовга езилган-дай эди. Аммо унинг бироз кескайиб қолгани боис иқрочини ешлар орасидан қилдиринга тугри келди. Чунки ҳар бир спектакл-ни энли факат асосий саҳнада эмас, балки давр тақваси билан туманли туман торлиб ҳам қўйишга тугри келди. Гайбулла пьеса-сизилгандаёқ, шу рол менга берилса, деб юрагига тугриб қуйган экан. Лекин буну у очик айтишга журят етолмасди. Шундай бўлса ҳам, Гайбулла машҳур комик Гани Аъзамовга мурожаат елди. «Гани ака, — деди у, — ҳеч қимга айтманг, лекин мен сиз-нинг ана шу ролингнизи, сиздан кейин бўлса ҳам, уйнашга қарор қилдим. Факат мендан ерданингни аъласангиз бўларди». Гани Аъзамов еш актрининг бу сузларидан қувониб, уша кунлик театр ба-дшии кенгашига мурожаат қилди. Репетициялар бошпади. Гани Аъзамов шоғирли Гайбуллани етпа олиб, шу ролга тайерли бўшпади. Кунлар шуни кўрсатдики, Афандин иқро етишга бу актриса имкониятлар бор экан. Умуман санъат, театр оламида ҳар қанача рол учун актерда табиий имкониятлар бўлмоғи керак. Фа-қат бу имкониятлардан ҳар қим ҳар хил фойдаланади. Баъзи актерлар узларига берилган истаган ролин қойилмақом қилиб иқро етдилар, баъзилар еса бир хил қолдирди образлар донрасида қолдиб кетдилар. Шу мезолада, Афанди роли синов тоши вафдо-сини утади. Бинобарин шундай роилар бўлишики, улар актер тақ-дирини ҳал ета олади. Гайбулла туларини бедор утказиб, узига берилган рол устида тинмай ишлади, устозининг етганидан маҳ-кам тулди. Гани Аъзамов ҳам шоғирдан мамнун бўлиб, ундан ерданини аямади. Устоз Миршохид Мироклиевнинг «Қалтис ҳа-зил» пьесасида Мамарасул ролин тайерлашда узига қандай ерд-дан берилганини унутмаган ҳолда, Гайбулла Ҳожиевга худди ушайди муносабатда бўлди. М. Мироклиев дастлабки қадамни

алоҳида тилга олмақ даркор, у уз яратпаётган образ тулақонли чи-қмоғи учун муаллиф билан ҳам, режиссер билан ҳам изланишларда бўлди. Спектаклда икки шахс—Амир Темури билан Боязид туқнашу-ви ниҳоятда ҳажонли ва таъсирчан чиқишига еришилди. Бу икки образ саҳнада бир-бирлари билан марларча бешлашиб, бир-бирлари-га тас берган пахлавонларни еслатиб туради. Боязид образи муваф-фақиятли чиққани туғайли Темури образи ҳам бир поғона кутарили-ди, деса бўлади. Чунки саҳнада унинг рақибни кучли эди.

Театр жамоаси машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаен» романи асосида Эркин Хўшвақт инсценировкаси билан спек-такл яратди. Турғун Аъзимов саҳналаштирган бу спектаклда Гайбулла Ҳожиев Солиҳ маҳдумни иқро етди. У бу образга куй урар экан, дастлавл муаллифга мурожаат қилди. Абдулла Қодирий уз асарла-рида ҳар бир шахсининг қиёфасини аниқ куз олдингизга келтириб таъсирлаб беради. Унинг Солиҳ маҳдум ҳақидаги улбу жулмалари образ характерини очинида қул келди: «Ҳасиликка ухшаган ҳолат, таъмағирлик каби олад, иқдорлики сингари ҳаракат...» Актер Солиҳ маҳдумни ана шундай бир одам сифатида яратишга муваффақ бўл-ди. Айниқса, унинг ҳар замонда «ҳабба» иборасини ишлатиб қўйиши ниҳоятда маънодор. Қулпича бу сузни ана бирор нарсга маъкул бўлганда айтганда, «барақалла» деб юборгандек оҳанг пайдо булади. Актер бу образнинг тақли қиёфасига ҳам алоҳида берган. Қий-инишларда, ругзор тутинишда, одамларга муносабатиде муаллифининг юқоридеги фикрларига риоя қилди.

Гайбулла ролининг катта-кичиклигига қараб утирмай, бутун имко-нияти, маҳоратини ишти солиб изланиди. Яқинда саҳнаимизда пайдо бўлган «Кампирни тум қилмайми?» пьесасида америкалик бир полициячини иқро етган. Бу ролининг пьесадати аҳамияти унчалик катта эмас, деса бўлади. Аммо Гайбулла Ҳожиев, иқросидеги бу образ томошабинлар хотирасида қолади. Хуш, бизнинг қаҳрамонини бош бутунли Гайбулла Ҳожиев даражасида етунча қалар қандай ҳаёт йулдин босиб утган? Бу нарсга қулпичиники диққатирини табиий. Шу боис бу ҳақда ҳам мухтасар бир фикр айтишни лозим топдик. Унинг бобоси (Бизнинг авлодларимизда баъзи болларин бобо тарбиясида бериш олади) Бурхонмуҳаммад маҳсум Бухорий уз энг да уқимшли киши бўлиб, кечалари газалхоҳликка бош буларди. Шу боис улариқида шоирлар, артистлар тушпадиларди. Гайбулла бобоси еган газалларни едан уқиб, тингловчиларни ҳайратта со-ларди. Баъзан бобосининг удафалари набирада артистликка қойил-дият борлигини еслатиб ҳам қўйишарди. Гайбулланинг бобоси Олим Хўжаев Бухорога келди дегунча, актрини топиб, у билан суҳбатла-шини жони-дилдан яхши курарди. Уз набирасининг артист бўли-

Эшир МУҲАММАДЖОНОВ, Халқ артисти

ФИДОЙИ ОЛИМ



Хатда шундай инсонлар борки, улар ҳақида гап кетганда, хузур қилсан киши. Шундайлардан бири Отакузи Азизовдир...



Унинг кўп қиррали ҳаёти ўзиде ҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган мураккаб ва қийин йўлни акс эттирди. 1924 йил... Уша вақтда Москва...

О. А. Азизовнинг «Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси» деган ва Топкенда босилган китоби бор...

1964 йилнинг май ойида О. А. Азизова филология факультети доктори илмий даражаси, бир йилдан кейин эса профессор илмий унвани берилди...

СЕРГЕЙ ЕСЕНИННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

МОВИЙ ДИЁР КУЙЧИСИ

Кейинги икки аср рус шеърини бир-бирига сира ҳам ухшамайдиган, узига хос, бетакрор таланти соҳибларига жуда бой бўлди...

1 октябрь — Халқ таълими ходимлари кун

«ЗУМАЙРА ОПАДА ҲЎҚИЙМАН!»

Агар муаллимнинг бу дунёда битта бўлса ҳам чин дилдан севиб ардоқлайдиган, умрининг охиригача фақат яхши сузлар билан эслайдиган шогирди бўлса...

МУАЗЗАМ МАНЗИЛЛАР

(«ХОТИРА КАРВОНИ», «ФАН» НАШРИЁТИ, 1994 ЙИЛ)

«Дунёда шундай ҳақиқатлар борки, улардан кўз юмиб, қочиб кўтулиб ва хатто «айланиб ўтиб» ҳам бўлмайди. Улар собит мезонга айланган ҳамарасга тош қўядилар...

«ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Исон ва табиат уртасидаги уйғунликнинг бузилиши охирида оқибатда оғир фожеаларга олиб келиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас...

ШТЕФФИ ГРАФНИ НИМА КУТАЯПТИ?

Штеффи Граф номини бугун кўпчилик яхши билади. Чунки у Стивенсон, Грекши, Маралона, Каспаров, Бубка каби маълум ва машҳур спортчилар қаторида турлади...

ШТЕФФИ ГРАФНИ НИМА КУТАЯПТИ?

Штеффини ун йил мудатда қамқоқ жазоси кутмоқда. Тахминларга қараганда, Штеффи Граф ва унинг отаси Петер Граф Ю. Шнайдер билан мустақкам алоқада бўлишган...

Устод кулдиси

Устод Саид Аҳмад дилкаш, катта-кичик билан бирдек сўхбатлашадиган инсон.

Устод билан 1982 йил август ойида танишганмиз. Ушанда Республика ёш ижодкорларининг 3-семинари бўлиб ўтди.

Устод мийғила қўдилар. Бу сир. Барча эшикларнинг қулфини тескари бурганда очилмаган қилиб урнаттирганман.

НОКНИНГ НАФИ

Омборхонага кириб разм солсам, уч-тўрт яшикда олма, икки яшикда узум, бир яшикда сараланиб қозоғга уралган нок турган экан.



кутарганча нокни карсиллатиш тишлаб чиқдим. Менинг иштаха билан нок чайнашимга устод илмоқли гап тошунларича сувдан оқдин банд босмоқчи бўлдим.

Устоднинг юзларига ҳаммага таниш бетидир табассум ейилди.

— Етмиш бешга кириб мен билмай, қирқ бешга кириб сен биларкансан-да, нокнинг нафини!

САРАПАШ

Омборхонага кириб-чиқиб юриб, миямда бир шумлик гирдирилади. Қулай пайт пойлаб гап кистирдим.

— Устод, бир яшикдаги олма ёмон чирибди, агар сараланмаса, бошқаларига ҳам утиб кетиши мумкин.

ган эди. Устод бир муддат ситгарета буркитиб, сунгра қул ситтадилар.

— Уринганларини айриб, анаву ердаги дарвешларга (ижод уйдлаги шоир-ёзувчилар) обориб бер!

Менга айни шу гап керак эди. Бошқа яшикларни ҳам тимирскилаб, турта-бешта чирик олма тоқдим-да, буш яшикка солдим.

— Қолган олмаларни елим қонга солиб, кутариб чиққан экан, устод кўз қирди қардилар:

— Олманинг рангини учи-

вет яниги билан кутариб чиқдим. Устод буш шипаларни ювиб, тикиллаб қуйган эканлар. Бир қулоч резина ичак топиб, кун билан мусаллас қуйиб «операцияси»ни амалга оширди.

— Ош тайёр бўлишига қараб мен ҳам ишни якунладим.

— Бирини опке қани, — дедилар устод ош сузилган латани кутариб келаркан. Ошга монанд мусаллас ҳам уша

Қадди шамшод-дол эмас. Берганлари «Оқ лайлак», Ўтмай қолган мол эмас!

ҚАЙСИ КУН

Бир гал кечки гурунган сунг устод, эртага ёвонга ут, гап бор, деб қўдилар. Эртаси чошгоҳда устоднинг да-ла ҳовлиларига утдим.

— Билсанми, бутун қанақа кун?

Бир муддат ўйлиниб қолдим. Лоп этиб елимга бир тарихий сана тушиб, жавобни ҳазилга йўйдим.

— 1812 йил 10 июнда Наполеон Бонапарт Россияга ҳужум бошлаган!

Устод мийғила кинояли қилиб дедилар:

— Сени қараю, Наполеоннинг Россияга ҳужум қилганини билсан-у, устоднинг тутилган кунини билмайсанми?! Билиб қуй, 1920 йил 10 июнда мен тутилганман.

САКСОВУП

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг устод Саид Аҳмаднинг 75 йиллик юбилейига бағишланган сонда, мени Қорақўлдан туенга сақсовул олиб келди.

— Албатта, рост, — дедим жиддий оҳангда, — ҳагто устод мен келтирган уша сақсовулнинг айрисига суяниб сувратта тушганлар!

Шундай дея меҳмонга қўлимдаги газеталарни тугказдим.

— Дарҳақиқат «Халқ сузи», «Ватан» газеталарида устоднинг сақсовул айрисига суяниб тушган машҳур сувратлар чоп этилган эди.

Мен мамнун герлайдим, соддилик меҳмон серрайиб қолди.

Муҳаммад ПИРРИЕВ

Саид АНВАР



Идора, ташкилот, корхона, умуман саккизта одам ишлайдиган жойда, албатта, меҳмонхона бўлади. Тўғри, баъзида меҳмонлар ҳам келиб туради бу жойга.

Бизниям ана шунақа меҳмонхонамиз бор дегн. Ашуларни қуяверасиз энди: илма тешик дастурдон, беш-олтита ериқ пиёда, учган коса-товоқлар...

Бизниям ана шунақа меҳмонхонамиз бор дегн. Ашуларни қуяверасиз энди: илма тешик дастурдон, беш-олтита ериқ пиёда, учган коса-товоқлар...

ЯХШИ НИЯТ ЯХШИ-ДА!

Уртоғим Имомалини курсам, йўқолган бир пой қўлқопим эсимга тушиб кетаверади. Ажойиб қўлқоп эғида узим.

— Уни Имомалига қиш кунни берган эдим. Эртасига бир пойни кутариб келди:

— Қаерлариди тушиб қолибди, — деди хижолат бўлиб.

— Қараб қурасан, топилиб қолар, — дедим ноилжоз. Ахир, мен бир пой қўлқоп учун сулга берилган аблаҳлардан эмасман-ку!

Имомали билан бошқа нарсга ҳақида сўхбатлашиб турсак ҳам охири:

— Топилмадим? — деб сескин сураб қуяман. Яхши ният ярим мол, дейдилар.

Бир ҳафта утиб, Имомали тушмагун, ян-янги қўлқоп тўқазди. Жуфтйам бор. Қийиб қурсам лопша-лойиқ.

— Майли, — дедим. Аммо яна бир қараб қурсанг, узимники ҳам топилиб қолганда ёмон бўлмасди, — деб қўшиб қўйдим.

Яхши ният яхши-да. Янги қўлқопни қийиб юрибман, аммо унга қараб туриб яна йўқолган қўлқопим эсимга тушиб кетяпти. Қадруни эдиқ-да.

Тувои кунни денг, Имомали дор уни санъат оламига олиб келди. Ижодкор бўлиб орузи уни «Санъат» илмгоҳига етказиб келди. Унинг илмгоҳига саҳнасида ижро этган илк роли Қоработир бўлди. Шундай қилиб, Абдуқарим Қоработир образини саҳнага олиб чиқди.

— (Телевизордаги мулоқотдан) Пасту баландга муомала қилишга тўғри келди. Шунинг учун Олим олимпиадага пиё-

ШУБҲА

Қалпоқ сотиб олдим ўғлимга. Похолоданим, гузаянаним тикилган. Ярим қизил, ярим сариқ!

— Ие, муборак бўлсин! — Қулдук, узингизга қулдук бўлсин! — дедим хум-хум. Қулганига хафа бўлиб кетдим-да! Бошимга тоғора қийиб олганимда эди, қулса бўларди. Еки эзда телпак қийиб юганимда, хоҳланганча қулсин. Бу қалпоқ бўлса.

— Аммо, — дустим ортига чекинди, — ниҳоятда ярашибди, очиб кетибсан.

— Э, ўғлимга олганим. Сумка йўқ. Чунтақка солсам эзиллиб, дабдаласи чиқадил...

— Шунчами? — у яна қўлди. — Эзилмасин деб қийиб олдим дегин?

— Ҳа, эзилмасин деб қийиб олақолдим.

— Тўғри қилибсан, дея у менга яқинлашди. Қуйлагимнинг томоғим остидаги тугмасини ечи ва ёқамдан ичкарига қараб суради: — Мабода хотинингиз ҳам бирор нарсга сотиб олганинг йўқми?!

Очиб қарасам бир пой... пайпоқ! Жа унчалик эски эмас: таги йўқ, холос. Ямаса бўлади. Фақат шерининг топиш керак. Бир қўлимга қўлқоп, бир оғимга та пайпоқ қийиб юрсам, жа унчалик ярашмас керак. Қун ора Имомалидан сураб турибман, зора топилиб қолса.

«Хотинимнинг эри» келаетганимиш... (Ҳамқишлоқларнинг бир-бирига хабари) \*\*\*

«Қўп тармоқли дехқончилик фирмаси» (Пенёқдаги лавҳа) \*\*\*

Олисадаги қўдлар «Тунги едун» эста соледи. (Шоир илҳами) \*\*\*

«Хўсанбой ТОЖИМАТОВ»

Кеча қишлоғимизга «Шум бола» томоша курсатгани ке-

Advertisement for 'САЛБИР' (Salbir) featuring a crown illustration and text about 'БАДАНГАН СУРАДИМ' (Badangan Suradim) and 'АЙИҚ БИЛАН ГАЛЛАШАМАН' (Ayik bilan Gallashaman).

Advertisement for 'МИНГАШИБ КЕЛДИМ' (Mingashib Keldim) featuring a crown illustration and text about 'САЙИД МУҲАММАД ХУДОЕРХОН' (Sayid Muhammad Xudorxon).

Advertisement for 'КУЛОҚКА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР' (Kuloqqa Chalingan Gaplar) featuring a crown illustration and text about 'ИШ ҚАЙНАМОҚДА' (Ish qaynamoqda).

Advertisement for 'АБДУРАҲМОН АКБАР' (Abdurahmon Akbar) featuring a crown illustration and text about 'ҚУШМАН' (Qushman).

Advertisement for 'ИДРОЛАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!' (Idrolalar, muassasalar, tashkilotlar va korxonalar diqqatiga!) featuring a crown illustration and text about book sales.

Advertisement for 'АБДУРАҲМОН АКБАР' (Abdurahmon Akbar) featuring a crown illustration and text about 'ҚУШМАН' (Qushman).

Advertisement for 'АБДУРАҲМОН АКБАР' (Abdurahmon Akbar) featuring a crown illustration and text about 'ҚУШМАН' (Qushman).

Large advertisement for 'ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ' (O'zbekiston Adabiyoti va San'ati) featuring a crown illustration and text about book sales and publishers.